

## **ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИНИНГ САБАБЛАРИГА ДОИР КЛАССИК ВА ПОСТКЛАССИК ЙЎНАЛИШДАГИ НАЗАРИЯЛАР**

**Гулмира Муроджоновна ТАИРОВА**

Катта ўқитувчи  
Хуқуқни муҳофаза қилиш  
Академияси  
Тошкент, Ўзбекистон  
gulmiramurodiy@mail.ru

### **Аннотация**

Мақолада жиноят содир этилишининг сабабларига доир классик ва постклассик йўналишдаги назарий ёндашувлар тадқиқ қилинган, шунингдек, ҳар бир назариянинг ўзига хос хусусиятлари ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

**Таянч сўзлар:** жиноят содир этилишининг сабабларига доир классик (постклассик) назариялар, тийиб туриш назарияси, иқтисодий таҳлил назарияси, рационал танлов назарияси, имкониятлар назарияси, “қайноқ нуқта”лар назарияси, яқин такрорланиш назарияси, синиқ деразалар назарияси.

## **ТЕОРИИ КЛАССИЧЕСКИХ И ПОСТКЛАССИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ О ПРИЧИНАХ СОВЕРШЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ**

**Гулмира Муроджоновна ТАИРОВА**

Старший преподаватель  
Правоохранительная академии  
Ташкент, Узбекистан  
gulmiramurodiy@mail.ru

### **Аннотация**

В статье исследуются теоретические подходы к причинам совершения преступления в классическом и постклассическом направлениях, а также раскрываются особенности и практическая значимость каждой теории.

**Ключевые слова:** классические (постклассические) теории причин совершения преступления, теория воздержания, теория экономического анализа, теория рационального выбора, теория возможностей, теория "горячих точек", теория близкого повторения, теория разбитых окон.

Жиноятларни содир этилиш сабаблари кўпгина криминалог олимларни ўйлантирган ва бу борада кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ҳамда қатор криминалогик назариялар яратилган.

Инсоният тарихидаги жиноятчиликка доир қарашлар ҳамда криминалогияга оид адабиётларда келтириб ўтилган таълимотларни таҳлил

қилган ҳолда, жиноят содир этилишининг сабабларига доир ёндашувларни қуйидаги 5 та катта йўналишга ажратиб ўрганиш мумкин:

- *теологик* йўналиш;
- *классик ва постклассик* йўналиш;
- *позитив (антропологик, детерминатив)* йўналиш;
- *социологик* йўналиш;
- *радикал (танқидий)* йўналиш.

*Классик йўналиш*нинг пайдо бўлиши XVIII асрда яшаб ўтган италиялик олим Чезаре Бекарриа (1738-1794) номи билан боғлиқ. Кейинчалик Т.Гобсс, Дж.Бентам кабилар мазкур йўналишдаги таълимотлар ривожига ҳисса қўшди.

Мазкур йўналишга оид таълимотларнинг асосини қуйидаги ғоялар ташкил этади:

инсон рационал, яъни, онгли мавжудот бўлиб, унда жиноят содир этиш ёки этмаслик танлови мавжуд;

ҳар бир инсон ҳаёти давомида ушбу дилеммага тўқнаш келади ҳамда ҳар қандай инсон жиноятчи бўлиб қолиши мумкин;

шахсни жиноятга қўл уришига йўл қўймаслик мақсадида қонунчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш лозим [4].

Мазкур йўналиш XX асрнинг охирларига келиб постклассик йўналиш сифатида қайта туғилди ва унда “тийиб туриш”, “рационал танлов”, “иқтисодий таҳлил”, “қайноқ нуқталар”, “хатарни моделлаштириш” каби қатор назариялар шаклланди.

Аксар давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш амалиёти айнан классик назарияларга таяниб келди ҳамда классик назариялар жиноят қонунчилигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Қуйида классик ва постклассик йўналишдаги айрим таълимотларни кўриб чиқамиз.

*Ч.Беккарриа таълимоти.* Италиялик юрист Ч.Беккарриа давлатнинг муаммолари қаторида жиноятчилик масаласи ва уни ҳал этиш механизмларини ўрганган ҳамда 1764 йилда ғарбда илк криминологик

таълимотларни юзага келиши учун асос бўлган ўзининг машҳур асари – “Жиноятлар ва жазолар китоби”ни нашрдан чиқарган.

Ч.Беккариа таълимотига кўра, ҳар қандай жиноятни товар сифатида кўриш мумкин, яъни, жиноятнинг нархи бор. Жиноят учун жазони белгиловчи қонунчилик (масалан, қотиллик учун 15 йил қамок, ўғрилик учун 5 йил қамок каби) – бу прејскурант. Агар жиноятнинг нархи арзон бўлса, инсон жиноят содир этади. Демак, инсонни жиноят содир этишдан тийиб тура оладиган тўсиқлар жиноятдан кўзланган манфаат ва жиноятга ундовчи эҳтиёжлардан қимматроқ ва устунроқ бўлиши лозим [1].

Фикримизча, Ч.Беккарианинг мазкур таълимоти бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам эътиборга лойиқ ҳисобланади ҳамда у бизни жиноятчиликка қарши курашишнинг умумий тизими доирасида иқтисодий характердаги чоратadbирларни, хусусан, жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий санкцияларнинг қилмишга мутаносиблиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, жиноят оқибатида етказилган зарарларни қоплатишнинг барқарор компенсацион тизимини йўлга қўйишга ундайди.

Шу билан бирга, Ч.Беккариа инсонлар табиатан “худбин” бўлгани боис жамиятда “барчанинг барчага қарши кураши” юз бериши мумкин ва умумижтимоий келишувнинг ифодаси бўлган қонунлар орқали бу ҳолатларнинг олди олинади деб ҳисоблайди. Давлатнинг функцияси инсонларни ҳаракатга келтирувчи икки эҳтирос (завққа интилиш ва азобдан қочиш) учун тўсиқлар ўрнатиш, яъни, жиноят содир этишни жозибасиз ва фойдасизга айлантириш эканлигини эътироф этади.

Мазкур ғоя, ўз навбатида, мамлакатда жиноятчиликка қарши курашишда давлат бош регуляторлик ролини ижро этиб бориши лозимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

*Тийиб туриш назарияси* – классик криминологик таълимотлар ичида энг машҳур назария ҳисобланиб, у қилмиш учун жавобгарлик ва жазо белгилаш орқали инсонларни жиноят содир этишдан тийиб туриш мумкинлигини назарда тутди. Мазкур назариянинг асосчиси Ч.Беккариа ҳисобланади.

Аксарият давлатларнинг жиноят қонунчилиги тийиб туриш назариясига асосланса-да, ушбу таълимот кўплаб танқидларга учраган ва жазолаш ҳақиқатан инсонни жиноят содир этишдан тийиб тура олиши мумкинлигига оид мунозаралар пайдо бўлган.

Ўтказилган тадқиқотлар инсонлар жиноят учун жазонинг муқаррарлиги ва оғирлик даражасидан тўлиқ хабардор эмаслигини; мулкӣ жиноятлар учун жавобгарлик эҳтимолини зўравонлик жиноятлари учун жавобгарликка нисбатан юқори деб ўйлаши; жазо ҳар доим ҳам инсонларни жиноятдан тўсувчи восита эмаслиги, шу нуқтаи назардан жиноят қонунчилиги ундан кўзланган самарадорликни етарлича таъминлай олмаслигини кўрсатган [4].

*Иқтисодий таҳлил назарияси* – жиноят оқибатида алоҳида шахслар ва жамиятга етиши мумкин бўлган иқтисодий фойда ва зарарларни тадқиқ этиши билан характерли ҳисобланади.

Ушбу таълимотнинг асосчилари бири Гэри Беккернинг (1930-2014 й.) инсон кўрадиган фойда етиши мумкин бўлган зарардан кўп бўлган тақдирда жиноят содир этади, шунга кўра, баъзи инсонлар уларнинг хоҳиш-истаклари бошқалардан фарқ қилгани учун эмас, балки фойда ва зарарлари ўзгача бўлгани боис жиноят йўлига киради, деб ҳисоблайди.

Г.Беккернинг фикрича, жиноятлар турлича бўлиб, уларнинг айримлари жамиятга кўпроқ зарар етказса, бошқаларидан камроқ зарар этади. Аммо, давлат жиноят қонунчилигини ишлаб чиқиш ва барча турдаги жиноятчиликка қарши кураш ишларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун бирдай катта маблағ сарфлайди. Шунга кўра, Г.Беккер бу борадаги харажатларни жамиятга катта зиён етказадиган қилмишларга қарши курашиш учун сарфлаш жоиз деб ҳисоблайди [3].

Мазкур таълимот ҳам ўзига хос аҳамият касб этиб, ижтимоий ҳавфи юқори бўлган ҳамда фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказаётган жиноятларга қарши курашиш масаласини жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатидаги устувор йўналишларга олиб чиқиш лозимлигини аниқлатади.

Р.Познернинг таълимотига кўра, ҳар қандай жиноят бозор қонуниятларини четлаб ўтишда ифодаланиб, иқтисодий нуқтаи назардан у зарарлидир.


*Рационал танлов назарияси* – америкалик олим Ш.Кларк ва Корнилар томонидан иқтисодий таҳлил назариясидан таъсирланиб ишлаб чиқилган таълимот бўлиб, у – жиной қилмиш инсоннинг муайян манфаат йўлидаги рационал (онгли) танлови эканлиги ва ушбу манфаат ҳамма вақт ҳам моддий бўлавермаслиги; ҳар бир жинойт ўзининг содир этилиш сценарийсига эга эканлиги; жинойт содир этишнинг ҳар бир босқичи (объектни танлаш, тайёргарлик, суиқасд, тамомлаш, яшириниш) учун жинойтчи ўзининг пухта қарорига эгалиги; ҳатто, жинойт фаолиятни эндигина бошлаган, одатий тарзда давом эттираётган ва тугатиш истагида бўлган инсонларнинг қарорларида тафовут бўлишини; шу билан бирга инсоннинг рационал тафаккури чегараланганлиги, баъзан у фойда ва хатарни тўғри баҳолай олмаслигини назарда тутди [2].

Мазкур назария фикримизча, жинойт сценарийсини таҳлил қилган ҳолда алоҳида жинойтларга қарши кураш услубини ишлаб чиқишда қўл келади.


*Имкониятлар назариясининг* муаллифлари Лоуренс Коэн ва Маркус Фельсон бўлиб, у – инсон ҳамиша вазият таъсирида бўлиб, вазият жинойтга имкон бериши ёки тўсқинлик қилиши; жинойт қилувчи шахс ва жинойт объекти бир жойда бўлган ҳамда ушбу объект муҳофазаланмаган вазиятларда жинойт содир этилиши; жинойт вазият уч элемент, яъни, мотивланган ҳуқуқбузар, қўл келган мақсад (объект) ва объект кўриқчиси (нафақат жисмоний шахс, қулф, видеокамера, сигнализация ва бошқа) кабилардан ташкил топиши ҳамда кўриқчи хизмати ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини назарда тутди [6] (а-расм).



Бу таълимот кейинчалик модификацияланиши оқибатида, жинойт вазиятни 6 та элементнинг йиғиндиси сифатида (б-расм) акс эттирди.

а-расм



б-расм





Модификацияланган жиноий вазият учбурчагида субъектнинг дўстлари уни жиноий мақсадидан қайтаришга, объект жойлашган жойнинг эгалари эса объектни муҳофазалаш тизимини йўлга қўйишга масъул шахс сифатида кўрилади.

Мазкур таълимот жиноятларни ситуатив олдини олишда алоҳида эҳамиятга эга ҳисобланади.

*“Қайноқ нуқталар” ва “Хатарни моделлаштириш” назариялари* – географик маълумотлар асосида жиноят содир этиш ҳолатлари нисбатан кўпроқ бўлган ҳудудларни аниқлаш ва криминоген хатар зоналарни белгилаб олиш лозимлигига асосланади. Хатар зоналарини алоҳида жиноят турлари (масалан, шахсга қарши, мулкий жиноятлар, гиёҳвандлик воситалари муомаласи ва бошқа) бўйича ҳам белгилаш мумкин.

Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида мазкур таълимот асосида жиноятчиликни географик моделлаштириш ҳамда жиноятчиликни ситуатив олдини олиш (масалан, қаерга кўпроқ кўриқлаш, пост-патруль ва профилактика ходимларини жойлаштириш, қаерга ёки қайси бурчакка камера қўйиш, автобус бекатларини кўчириш ва ҳ. к.) ёки тизимли олдини олиш (масалан, ҳудуд аҳолисининг демографик хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш) чораларини кўриш мумкин.

*Яқин такрорланиш назарияси* – бир жойда жиноят содир этилган бўлса, яқин вақт (бир ҳафта) оралиғида шу ерда ўхшаш жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори эканлигини, сабаби, инсон жиноят содир этиш олдида жойни пухта ўрганиши ҳамда жиноят учун қулай ва жозибадор жойни танлаши, шунингдек, криминал доираларда ўзининг жиноий тажрибаси билан ўртоқлашиши ҳақидаги ғояни илгари суради.

Мазкур таълимот муайян субъектив асосларга эга бўлсада, амалиётда бу борада алоҳида кузатувлар олиб борилиши ва тадқиқотлар ўтказилишини тақозо қилади.

*Синиқ деразалар назарияси* – канадалик социолог М.Гладуэлл томонидан илгари сурилган бўлиб, у инсон нафақат ирсият ёки ёмон тарбия оқибатида, балки атрофидаги тартибсизликлар таъсирида жиноятга қўл уришини, хусусан, жисмоний тартибсизлик (масалан, қаровсиз бинолар, ахлатхоналар, синиқ деразалар каби) кузатилган жойларда жиноят содир этилиш хавфи юқори бўлиши, аксинча, озода, саранжом ва тартиб ўрнатилган жойларда хавфнинг камайиши ҳақидаги ғояга асосланади [1, 3, 4, 6].

“Қайноқ нуқталар”, “хатарни моделлаштириш”, “яқин такрорланиш”, “синиқ деразалар” каби жиноятчилик экологияси билан боғлиқ таълимотлар жиноятчиликни прогнозлаш ҳамда олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда аҳамиятли ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган жиноятчиликнинг сабабларига доир классик ва постклассик таълимотларнинг барчаси маълум кузатувлар оқибатида юзага келганлиги ва муайян объектив асосларга эга эканлиги боис, тадқиқотчи томонидан танқид остига олинмайди, аксинча умумий ва алоҳида жиноятчиликнинг олдини олишга доир стратегия ва дастурларни ишлаб чиқишда уларни инобатга олиш лозим деб ҳисоблайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Беккариа Ч. О преступлениях и наказаниях. – С 67-69, 83.  
[http://krotov.info/library/02\\_b/ek/karia](http://krotov.info/library/02_b/ek/karia).
2. Гурина А.Л. Развитие теории рационального выбора в зарубежной криминологии и ее влияние на уголовную политику // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И.Герцена. – 2010, Выпуск 120. – С 203-213.

3. Цуриков В.И. Экономический подход к проблеме сдерживания преступности. Часть 1 // Теоретическая и прикладная экономика. – 2017, Выпуск 3. – С 41-43.

4. [https://apps.openedu.ru/learning/course/course-v1:spbu+CRIMINOLOGY+fall\\_2020/block-v1:spbu](https://apps.openedu.ru/learning/course/course-v1:spbu+CRIMINOLOGY+fall_2020/block-v1:spbu)

5. [https://apps.openedu.ru/learning/course/course-v1:spbu+CRIMINOLOGY+fall\\_2020/block-v1:spbu](https://apps.openedu.ru/learning/course/course-v1:spbu+CRIMINOLOGY+fall_2020/block-v1:spbu)

6. [https://www.researchgate.net/publication/288033118\\_Cohen\\_Lawrence\\_E\\_and\\_Marcus\\_K\\_Felson\\_routine\\_activity\\_theory](https://www.researchgate.net/publication/288033118_Cohen_Lawrence_E_and_Marcus_K_Felson_routine_activity_theory)

7. <https://socioline.ru/pages/teoriya-razbityh-okon-rasprostranenie-besporyadka>